

## БАДИЙ МАТНДА ПЕРФЕКТИВ ВА ИМПЕРФЕКТИВ ВАЗИЯТЛАР ҚИЁСИ ХУСУСИДА

Л. Кудратов,

Инглиз тили лексикологияси ва  
стилистикаси кафедраси ўқитувчиси.

Аспектуал семантикани матн шунингдек дискурсдаги тадқиқи борасида докторлик диссертациясини олиб борган В. Белошапкива рус тилида аспектуал маъноларни дискурсив хусусиятларини таҳлил қилади. У дискурс тушунчасининг аспектуаллик доирасида қўлланишига қўйидагича изоҳ беради. Аспектуал сатҳда дискурс маълум бир формал ва семантик таркибда вақт, ижтимоий муҳит, макон детерминатлардан тортиб турли сатҳдаги продуктив маъно оламни англашда хизмат қиладиган тил воситаларининг нутқда қўлланилиши деган изоҳни беради. (Белошапкива А.В., 2008. 40с.). Бу аспектуал маъноларни дискурсда ёритишда матнда иштирок этадиган замон, макон, пайт кўрсаткичларини имкониятини эътиборга олиш назарда тутилади. Қўйидаги мисолга эътибор қаратамиз: *Иккинчи йили тактик ўқиш бўлсин, умумий маълумот бўлсин, жуда жиддий кетди. Мен, айниқса, ҳарбий билимлар билан биргалликда чала қолган ўрта мактабимни битиришига ҳам уриндим. Ҳатто йил ўртасига бориб, командир отделения қилиб кўтаришиди* (Ғ. Ғулом, 125). Ушбу лавҳада воқеа-ҳодисалар матн семантикасига хос хусусият сифатида қайд этилган яъни воқеа-ҳодисалар алоҳида-алоҳида воқелик сифатида намоён бўлган. Бунда ҳар бир воқеа-ҳодиса маълум темпорал муносабат орқали баҳоланган. Матндаги тил самарадорлиги семантик таркиби шаклий ўзгариши билан характерланади. Бунга кўра лисоний ифодага эга бўлган мунтазамлик, даврийлик ифодалари амалга оширилган. Жумладан матнни ёритишда қўйилган мақсад, вақт темпорал нуқтаи назаридан мос равишда амалга оширилган. Воқеа-ҳодисалар ифодаси ўзига хос кетма-кетликни ташкил қилади. Аспектуал хусусиятни кўрсатувчи воситалар ушбу лавҳада воқеа-ҳодисанинг дуративлигини, перфективлигини ёки имперфективлигини ёритиш учун хизмат қилган. Мисол учун юқорида кўрсатилган лавҳадаги “*жиддий кетди*” предикати дуратив аспектуал семантикага эга. Лавҳа сўнгидаги “*командир отделения қилиб кўтаришиди*” имперфектив ҳодиса сифатида намоён бўлади. Эътибор қаратадиган бўлсак икала предикатда ҳам “*жиддий кетди*”, “*кўтаришиди*” маълум бир яқин ўтган замон шаклига эга бўлсада, феълнинг лексик қўлланилиш нуқтаи назаридан иккаласи ҳам икки хил аспектуал семантикани ифодалаб келган. Ушбу лавҳадаги “*жиддий кетди*” предикатини айнан “*командир отделения қилиб кўтаришиди*” предикати семантик жиҳатдан тўлдириш учун ҳам хизмат қилган. Агар гап ва матн ўртасидаги муносабат предикат темасида амалга оширилса, перфектив ва имперфектив шакллардан фойдаланиш фақат ушбу грамматик шаклларнинг ўзгармас қийматлари: процессуаллик, яхлитлик яъни перфективлик (имперфективлик) сифатида тушунтирилиши мумкин. Предикат темасидаги гап ва матннинг семантик ривожланиши маъно жиҳатдан боғлиқ бўлганда, феълнинг замон шаклини танлаш

матннинг коммуникатив истиқболини белгилаб беради. Шу ўринда Колшанскийнинг фикрини келтириб ўтишни мақсадга мувофиқ деб билдик: “жумлани шакллантиришнинг ҳар бир босқичида у ёки бу лексемани ёки грамматик шаклни танлаш-ифодаланадиган жумланинг бутун контексти орқали амалга оширилиши лозим” (Колшанский Г. В., 1963, с.3-12). Ушбу қоида ўз-ўзидан семантик шаклланишнинг асосий қонунларидан бири, бу матннинг семантик яхлитлиги ҳамда жумлалар ўртасида маъно мослигини назарда тутати. Таркибий ҳамда коммуникатив жиҳатдан ўзаро муросабатларни шакллантириш қонунига асосланади. Масалан: *He moved around to stand behind her, studying the page over her shoulder. She leaned back to allow him a better view, and her shoulder brushed...oh, mustn't think about what she'd just bumped up against! She jerked forward, her cheeks so fiery hot that she was glad he was behind her, for she couldn't have faced him straight on.* (Susan Law, 42). Чарос унинг чўян эшигини беркитмай чўнқайиб ўтирганича оловнинг ёнишини томоша қиларди. Ўтиннинг чарсиллаши, сукунатни ўхтин-ўхтин бузиб қўяр, аланга яллиги деворларда буфет ойналарида ўйнарди. Уй деразалари зирллаб кетди, сўнг яна сукунат чўкди. (Ўткир Ҳошимов, “Танланган асарлар 50-бет”). Келтирилган инглизча лавҳадаги “*moved around*”, “*leaned back*”, “*brushed*”, “*jerked*” предикатлари перфектив хусусиятга эга саналади. Бу эса матннинг нарратив хусусиятини белгилаш учун хизмат қилган. Матн семантикасининг боғлиқлиги маълум бир вақт жараёнида кетма-кет перфектив воқеа-ҳодисаларни узвийлигини таъминлаш учун хизмат қилган. Ушбу лавҳадаги “*her cheeks so fiery hot*”, “*she was glad*”, “*couldn't have faced him straight on*” каби бирикмалари замон шакллари танланиши воқеа-ҳодисалар кечими билан боғлиқ тарзда амалга оширилган. Бу эса матннинг коммуникатив хусусияти билан чамбарчас боғлиқ. Ўзбек тилидаги мисолда маълум танланган вақт жараёнида ҳаракатнинг давомийлиги кузатилади. Жумладан, “*томоша қиларди*” предикати кузатувчи нуқтаи назаридан аниқ бир вақтда воқеа-ҳодисанинг давомийлигини ифодалайди. Лавҳадаги “*ўхтин-ўхтин бузиб қўяр*”, “*буфет ойналарида ўйнарди*” каби предикатлари эса ўша вақт жараёнида итиратив мазмунли аспектuali семантикаин юзага келтирган яъни алоҳида-алоҳида кичик воқеа-ҳодисалар бутун лавҳа ичига сингдирилган. Лавҳа сўнгидаги “*зирллаб кетди*”, “*сукунат чўкди*” предикатлари эса ушбу лавҳага якун ясовчи хусусиятни ифодалаган. Шу билан бирга “*чўкди*”, “*зирллаб кетди*” предикатлари аспектuali перфектив семантикани англатиб келган. Матн семантикасини белгиловчи яна бир хусусиятлардан бири бу матндаги прогрессивликни сақланиши ёки матн ривожланишини таъминловчи лексик воситаларнинг танланиши билан ҳам боғлиқ. Бу каби хусусиятлар маълум бир гуруҳни ташкил қиладиган феъллар билан ҳам боғлиқ. Феъллар шу билан бирга ушбу матнда қўлланилган замон шакллари билан ҳам боғлиқ. Бу борада Маскольская қуйидаги фикрни билдиради: Матн таркибида ҳар бир феъл шаклининг танланиши ўзига хос меъзонга амалга оширилади. (Москольская О.И., 1981. 175 с.).

“*Oh, for heaven's sake!*” Mrs. Bossidy clipped across the square, her skirts snapping with each determined stride, her voice carrying clearly on the spring breeze. “*Did I not*

*tell you to stay beneath the umbrella? You are unused to so much sun so early in the year, and it is much stronger here.*” (Susan Law, 23). *Василя Назаровна индамасдан бурилиб кетди. Парталар орасидан ўтиб бораркан қозоғза кўз таишлади-ю хат эканлигини билиб тена сочи тикка бўлиб кетди. (Ўткир Ҳошимов, “Танланган асарлар” 86-бет).* Инглиз тилидаги лавҳадаги “*Oh, for heaven’s sake!*” ҳис-ҳаяжон гапи матннинг кейинги ривожланишига дейктик вазифани бажариб келган. Бунда қаҳрамон Mrs. Bossidy нинг кейинги ҳаракатлари матн ривожланиши семантикасини таъминлаш учун хизмат қилган. Албатта бу ерда бош қаҳрамоннинг ҳаракатлари алоҳида-алоҳида ҳодисаларга эга саналади. Жумладан “*clipped across*”, “*determined*”, “*stride*” каби предикатлари матн ривожланиши жараёнида амалга оширилган кетма-кет ҳаракатларни ифодалаб келган. Матндаги ундов гапларнинг, сўроқ гапларнинг қўлланилиши эса матннинг ематив семантикасини юзага келтирган. Ўзбек тилидаги лавҳада эса қаҳрамон томонидан кетма-кет уч хил вазиятни кузатишимиз мумкин. Шу билан бирга Василя Назаровна яъни асар қаҳрамонинг ҳаракатга келиши яъни “*бурилиб кетди*” бирикмаси матннинг кейинги ривожини учун референция вазифасини бажарган. “*Ўтиб бораркан*” бирикмаси эса кейинги бўлиб ўтган воқеа-ҳодиса жараёнида давомли иш ҳаракат билан тўлдирилган. Матндаги кульминацион нукта эса “*тена сочи тикка бўлиб кетди*” предикати саналади. Ўз новбатада ушбу фразеологик бирикма натижавий яъни резултатив аспектuali семантикага эга. Шундай қилиб, матннинг коммуникатив мазмун моҳияти феъл шакллари нинг семантикаси билан боғлиқ бўлиб, уларни матнда қўлланилиши формал-семантик кўрсаткичи бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Гапдаги феълнинг замон шаклини танлашнинг яна бир муҳим мезони – гапнинг матн бўлагидаги ўрни. Дастлабки ҳолатда, юқорида келтириб ўтилганидек, интродуктив функцияга эга бўлган шаклидаги феъллар предикат мавзусидаги матннинг семантик ривожланишини яқунлайди. Матнга постпозициядаги феълларнинг имперфект шакли, шунингдек, оддий шаклга ўтиши услубий жиҳатдан белгиланган. Истисно ҳолат – бу феълларнинг кичик гуруҳи бўлиб, уларнинг лексик семантикаси инхоативлик, перфективлик, имперфективлик семасини ўз ичига олади, бу уларнинг бошланғич жумлаларда тугалланган маънони олишига ёрдам беради.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Белошапкива А.В. Когнитивно-дискурсивное описанное категории аспектуальности в современном русском языке. Автореф.док.фил.наук. Москва, 2008. -40 с.
2. Колшанский Г.В. Прагматическая: характеристика вербальной коммуникации. - в кн.: лингвистика и методика в высшей школе (XI). Сб. научн. трудов М., 1963, вып 205, с.3-12.
3. Москальская О.И. Грамматика текста. - М.: высшая школа, 1981. - 175 с.
4. Эшимова, Ш. К. (2022). Personifikatsiya orqali obrazning yaratilishi. *Международный журнал искусство слова*, 5(4).

5. Eshimova, S. K. (2022). Koreys badiiy adabiyotida personifikatsiyaning ifodalanishi. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(Special Issue 24), 356-364.

6. Bazarova, S. S. (2022). Li Xe Jo asarlarida gender tenglik munosabatining ilgari surilishi. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(Special Issue 24), 180-188.

7. Shuxratovna, B. S. (2022). Koreys adibasi pak van so ijodining o'ziga xosligi xususida. *Gospodarka i Innowacje.*, 24, 56-59.